## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Бельгиядаги Европа халқаро муносабатлар институтининг президенти Ирнерио Семинаторе**нинг фикрича, тўғридан-тўғри ва умумий овоз бериш йўли билан ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат сиёсий тизими фикрлар хилмахиллиги асносида ривожланаётганидан далолат беради. Бу яна шуни ҳам кўрсатадики, сайловларда турли сиёсий партиялардан номзодларнинг, жумладан, бир нафар аёл номзоднинг иштирок этаётганининг ўзиёқ бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистонда, Марказий Осиё жамиятидаги анъанавий оила концепциясида янгилик ҳисобланади.

1991 йили мустақиллик эълон қилинганидан сўнг мамлакатда марказлашган тизимдан мустақилликни қўлга киритган сиёсий тизимни шакллантириш жараёни бошланди. Шу даврдан эътиборан иқтисодий мустақилликни таъминлаш, ижтимоий тизимни модернизациялаш жараёни бошланди ва у муваффақиятли давом этмоқда.

**Хитой жамоат фанлари академияси ҳузуридаги ШҲТ тадқиқотлари бўйича марказининг Бош котиби, профессор Сун Чжуанчжи** фикр билдирганидек, Марказий Осиё улкан энергетика захираларига эгалиги, шунингдек, ўзининг геосиёсий жойлашуви билан жаҳондаги муҳим минтақалардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистондаги вазиятнинг кечиши ва йўналиши нафақат мамлакат келажагига, балки бутун минтақа истиқболига дахлдордир. Шу боис, ўтажак сайловлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим воқеа ҳисобланади.

**«Жаҳон» АА.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мен кўплаб мамлакатларда бўлганман ва шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бугун Ўзбекистонни дунёнинг ҳамма жойида яхши билишади. Бу ўринда ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, бутун жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Масалан, оммавий ахборот воситаларини оладиган бўлсак, кўплаб хусусий, тижорат газета ва журналлар пайдо бўлди. Уларда Президент сайлови жараёнлари айнан энг ривожланган мамлакатлардагидек холис ва ошкора ёритилаётганини кўрдим.

Тошкентга келишимдан олдин Ўзбекистонда Президент сайловига оид қонун ва ҳужжатлар билан яна бир карра танишиб чиқдим. Менимча, улар халқаро меъёрларга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларни ифода этади. Чунончи, Президент сайловида кўплаб халқаро кузатувчиларнинг иштирок этаётгани ҳам мамлакатда демократияни мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

**Владимир ШАПОВАЛ, Украина Марказий сайлов комиссияси раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор:**

### ҲАМКАСБЛАРИМ БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШАМИЗ

— Мен кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини ўрганиб келаман. Ўзбекистон тўғрисида кўплаб мақолалар ёзганман. Юртингизга нафақат Президент сайлови жараёнларини кузатиш, балки ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан мазкур йўналишда тажриба алмашиш мақсадида келдим. Сайловолди жараёнлари, Президентликка номзодларнинг дастури, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан яқиндан танишиш ниятидаман. Сайловни кузатувчилар, жумладан, хорижлик кузатувчилар фаолияти учун барча шароит яратилгани Ўзбекистонда сайловнинг демократия тамойиллари асосида, халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда очиқ ва ошкора ўтишидан далолатдир.

Юртингизга сўнгги бор келганимга йигирма йилдан ошиб кетди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзал мамлакатга айланганининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари – кўркам иншоотлар ва равон йўллар, ям-яшил хиёбону улкан майдонлар ҳар қандай кишини мафтун этади.

**ЎзА мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# ЭРТАНГИ КУНИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН

**САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ ҲАР БИР БОСҚИЧИ МАЪЛУМ БИР ВАЗИФАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ КЕЙИНГИ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН ЎЗАРО УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. АЙНИ ПАЙТДАГИ БОСҚИЧНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚЛИГИ АҲАМИЯТЛИДИР. БУ БОРАДА САЙЛОВЧИЛАР, САЙЛАНАЁТГАН СУБЪЕКТЛАР ВА САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛОВЧИ БЎҒИН ВАЗИФАСИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЗИММАСИДА ЭКАНЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЛОЗИМ.**

Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли ҳудудларда қонунчилик ва меърий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаш округ сайлов комиссиялари ваколати доирасига киради. Тошкент шаҳар округ сайлов комиссия раиси **Анвар Акмалович АҲМЕДОВ** билан суҳбатимиз шу масалалар хусусида бўлди.

— **Анвар Акмалович, ҳозирда, сайловга саноқли кунлар қолган бир пайтда сайлов участкаларига эътибор тобора кучайиб бораётганини тушуниш қийин эмас: сайловчиларнинг овоз бериш жараёнлари айнан шу манзиллар бўйича амалга оширилади. Шундай экан, участка сайлов комиссияларининг тайёргарлиги қандай, деган савол туғилади.**

— Аввалambор сайлов кампаниясининг айни пайтдаги босқичида кечаётган жараёнларга алоҳида эътибор қаратиб ўтмоқчиман. Бир томондан номзодлар ва уларни кўрсатган субъектларнинг сайловолди ташвиқотлари кенг тус олганини кузатадиган бўлсак, иккинчидан – участка комиссияларининг иши энг қизғин паллада эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Улар фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириб, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жойлар ҳақида ҳам хабардор қилмоқдалар. Бир вақтнинг ўзида участкаларда бевосита сайлов жараёнини ўтказишга доир зарур шароитлар яратиш билан машғул. Демак, икки томоннинг ҳам ҳаракатлари сайловчилар ишончини оқлашга йўналтирилгандир. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу жараёнларда боғловчи бўғин вазифасини ўташ ўта масъулиятлидир.

Марказий сайлов комиссияси маълумиятига кўра, мамлакатимиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8266 та участка сайлов комиссияси ташкил этилган бўлиб, улар ишига 80 мингга яқин жамоатчилик орасида обрўҳурмат қозонган инсонлар жалб этилган. Пойтахтдаги 653 та участка сайлов комиссиялари таркиби 9234 кишидан иборат. Уларнинг кўпчилиги аввалги сайлов кампанияларида иштирок этган ва маълум тажрибага эга. Комиссия аъзоларининг деярли 20 фоизини маҳалла фаоллари ташкил этади. Бу борада жамоат ишларида, ўқишда ва меҳнат жамоаларида ўзини алоҳида намоён этган ёшларимизга ҳам катта ишонч билдирилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, биринчи марта сайлов участкалари гузарларда – маҳалла марказларида ташкил этилди. Чунончи, Тошкент шаҳридаги 80дан зиёд участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини замонавий гузарларда олиб бормоқда. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари, участка комиссиялари учун 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг, шинам, ёруғ, барча шарт-шароитлари бисёр бўлган бино ва хоналари ажратилди.

Албатта, участка комиссияларининг изчил ва бир маромда ишлаши учун тўлиқ шароитлар яратилгани, хусусан, алоқа воситалари, техник анжомлари, тегишли адабиётлар билан таъминлангани алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда, жумладан округ комиссиялари аъзолари томонидан жойларда доимий мониторинг олиб борилди. Ушбу йўналишдаги масалалар округ сайлов комиссияси йиғилишлари кун тартибига киритилиб, туман ҳокимликлари, коммунал хизматлар таъминотига бевосита масъул бўлган раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди. Аниқланган камчиликлар эса тезкор равишда кўрилган чора-тадбирлар орқали ҳал этилди. Бугунги кунга келиб сайлов комиссиялари тегишли қонунчилик ва меъёрий адабиётлар, хусусан, сайлов куни иш юритиш учун зарур бўлган услубий ҳужжатлар намуналари билан тўлиқ таъминланган. Тошкент Давлат юридик институти томонидан ҳар бир участка комиссиясига бириктирилган малакали мутахассисларнинг ҳам ҳуқуқий масалалардаги кўмаги айни муддао бўлмоқда.

— **Шу билан бирга яқинда ўтказилган минтақавий семинарда Марказий сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир айрим мулоҳазалар билдирилди...**

— Хусусан, шаҳар участка комиссияларига таааллуқли мулоҳазалар ҳам бўлди ва бу асосан сайловчилар рўйхатларини тузишга оид эди. Ўрганиш жараёнида айрим участка комиссиялари томонидан сайловчилар рўйхатларини тайёрлашда уларнинг исмшарифи тўлиқ кўрсатилмагани аниқланди. Ҳозирда бу борадаги камчиликлар бартараф этилди. Дарвоқе, семинар моҳияти ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтиш лозим деб биламан. Очиғини айтиш керак, туманлар ва участкалар кесимида ташкил этилган туркум семинарлар ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Аммо шаҳар қамровидаги ўқув машғулотлари участка комиссияларининг ўз ишига мутлақо бошқа кўз билан қарашига, қолаверса, ўз ишларига ўзлари холисона баҳо беришларига асос бўлди десак, муболаға бўлмайди. Марказий сайлов комиссияси томонидан амалий машғулотлар орқали юзага келиши мумкин бўлган баъзи хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилганини инобатга олган ҳолда жойларда қайта-қайта машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди. Ишончим комилки, участка сайлов комиссиялари ўзларига тегишли хулоса чиқариб, барча саъй-ҳаракатларини қонунчилик талабларига монанд жамлашга эришади.

— **Участка сайлов комиссиялари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда юқорида қайд этилган мезонлар алоҳида эътиборга олинган бўлса керак?**

— Айнан асосий мезонлар сифатида инобатга олинди, десак тўғри бўлади. Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан минтақалараро участка сайлов комиссиялари ўртасида кўрик-танлов ўтказиш ва, албатта, улар орасидан энг намунавийларини танлаб олиш учун хусусан, шаҳар округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари бошчилигида алоҳида комиссия тузилди ва жойларда тегишли йўриқлар амалга оширилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу борада бир неча мезон талабларига лойиқ деб кўплаб участка сайлов комиссиялари топилди, зеро уларнинг айнан ишдаги сифат кўрсаткичлари юқори баҳога сазовор эди. Бир нечта босқичдаги саралашдан сўнг 160-, 401- ва 31-участка сайлов комиссиялари тегишли равишда уч номинация бўйича ғолиб деб топилиб, муносиб тақдирланди.

— **Сайлов куни участка комиссияси аъзолари асосан сайловчилар билан мулоқотда бўлади. Ушбу жараён эса кузатувчилар эътиборида бўлади...**

— Шундай ва бу борада ҳам участка комиссияларининг зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Кузатувчиларнинг комиссиялар ишига аралашишга ҳаққи йўқ. Комиссия аъзолари барча хатти-ҳаракатларини фақат қонун-қоидаларга риоя этган ҳолда очиқ, равшан амалга оширсалар, кузатувчиларга ўзга хулоса чиқаришга имкон қолмайди. Дарвоқе, кузатувчилар фақат сайлов куни эмас, балки сайлов билан боғлиқ ҳар бир тадбирда қатнашиш ваколатига эга. Марказий сайлов комиссияси ахборотига кўра, мамлакатимизга сайловларни кузатишга 300га яқин хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюриш истагини билдирган. Умуман эса сайлов кампаниясининг бориши ва овоз бериш жараёнларини 25 мингга яқин киши кузатади, шу жумладан маҳаллий кузатувчилар ҳам. Бундан ташқари, маҳаллий ва хорижий журналистлар ҳам бу жараёндан четда қолмайди. Бу эса халқаро жамоатчиликнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларга, айниқса фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокига бўлган қизиқишидан далолатдир.

Куни кеча кузатувчи сифатида сайловларда қатнашиш учун мамлакатимизга келган МДҲ Ижроия қўмитаси аъзолари ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси вакиллари шаҳар округ комиссиясига ташриф буюриб, пойтахтдаги сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишишди. Хорижий кузатувчилар шу кунларда жойлардаги участка сайлов комиссиялари фаолияти билан ҳам танишмоқда. Ўз навбатида, маҳаллий кузатувчилар ҳам ўз вазифаларига киришишмоқда. Округ сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳ томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан пойтахтда ваколатини амалга ошириши учун икки мингга яқин кузатувчиларга тегишли мандатлар топширди...

— **Суҳбатимиз сайлов арафасида бўлиб ўтаётганини инобатга олган ҳолда қисқача электоратнинг ҳуқуқлари хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтилса, назаримизда, фойдадан ҳоли бўлмаса керак.**

— Қонунчилик талабларига асосан барча сайлов участкаларида сайловчилар рўйхати доимий яшаш манзилидан келиб чиқиб мувофиқлаштирилди. Фуқаролар участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имконияти билан таъминланган. Агарда рўйхатда у ёки бу ноаниқликка йўл қўйилган бўлса, сайловчи бу ҳақда шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафаси ва сайлов куни эса — дарҳол кўриб чиқилиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритилиши шарт. Шу кунгача бу борада участка сайлов комиссияларига мурожаат бўлмади.

Ҳар бир сайловчи шахсан ўзи овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб, сайлов бюллетенлари ўзбек ва рус тилларида тайёрланган. Агарда сайловчи томонидан бюллетень бузиб қўйилса, у янгисини олишга ҳақли. Бюллетенни мустақил тўлдиришга турли сабабларга кўра имкони бўлмаган фуқаро, ўз хоҳишига қараб, комиссия аъзолари, кузатувчилар ва номзодларнинг ишончли вакилларидан ташқари, биронбир бошқа шахсни кабина ёки хонага таклиф этиши мумкин. Тўлдирилган бюллетень сайлов қутисига икки букланган кўринишда ташланади. Сайловчи соғлиғи ёки бошқа сабабга кўра сайлов участкасига кела олмаслиги мумкин. Бундай вазиятда сайловчи илтимосига кўра, комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчининг маъқул жойда овоз беришини ташкил этиш топширилади.

— **Республикадан ташқарида узоқ муддатли сафарда бўлган фуқароларимизга сайлов қонунчилигида қандай имкониятлар кўзда тутилган?**

— Мамлакатимиз фуқаролари экан, улар ҳам тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Сўнгги маълумотларга кўра, ўқиш ёки иш юзасидан хориж сафарида бўлган фуқароларимиз учун Ўзбекистоннинг 43 та давлатдаги ваколатхона ва элчихоналарида сайлов участкалари ташкил этилган. Албатта, бу ерда фуқароларимиз сайловга оид қонун ҳужжатлари, номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурлари, бошқа сайловга оид барча маълумотлар билан танишиши мумкин. У ёки бу номзодга нисбатан ўз хоҳиширодасини улар ҳам сайлов куни амалга оширади. Хорижий мамлакатлардаги ўзбекистонлик фуқароларнинг овоз бериш жараёни бориши ҳақидаги ахборот шаҳар округ сайлов комиссияси тасарруфида жамланиб борилади.

Бундан ташқари, тегишли қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда барча участка сайлов комиссиялари 23 декабрь куни доимий истиқомат қилиш манзилида бўлиш имконияти йўқ фуқароларни инобатга олиб, сайлов варақалари билан таъминланди. Чунончи, Тошкент шаҳри бўйича 800 дан зиёд киши (бу асосан ҳаж зиёратини бажо этаётган фуқаролар) олдиндан овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланди. Уларнинг тўлдирган сайлов варақалари сайлов кунида асосий жараён тугагандан сўнг умумий бюллетенларга қўшган ҳолда ҳисобга киритилади.

— **Анвар Акмалович, дастлаб келишиб олинганидек, суҳбатимиз асосий ишингиздан ажралмаган ҳолда кечмоқда. Шундай йўсинда биз кўплаб мурожаатлар бўлаётганини кузатдик. Деярли ярим соат ичида ўндан зиёд киши қабулингизда бўлиб, бу ерни яхши кайфиятда, демак кўтарган масаласи бўйича қаноатланиб тарк этди. Бир вақтнинг ўзида қўнғироқларга ҳам аниқ жавоб беришга улгурдингиз, жумладан, бир нечтаси сайловчилардан ҳам бўлди, назаримизда. Айтингчи, шаҳримиз аҳолиси кўпроқ қандай масалалар билан мурожаат қилаётир?**

— Ҳар хил бўлсада, аммо ҳаммаси деярли бир мақсадга йўналтирилган, яъни сайлов кампанияси билан боғлиқ. Дарвоқе, фуқароларимиз асосан саволлар билан эмас, балки таклифлар билан мурожаат қилишмоқда. Бир пайтлар сурункали дея таърифланган коммунал соҳасидаги муаммолар деярли кўтарилмаётир. Ва буни ушбу соҳада кейинги иккиуч йил ичида амалга оширилган кенг қамровли ишлар ва бугунги кунда ҳам қиш мавсумида изчил давом этаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси деб ҳисоблайман.

Шаҳар сайлов округида доимий навбатчилик ўрнатилган бўлиб, ҳар бир оғзаки ва ёзма аризалар қайд этиб борилади. Албатта, ҳар бир кўтарилган масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Фуқароларимиз номзодларнинг дастурлари хусусида фикрлашадилар, таржимаи ҳолига оид тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш истагини билдиришади, ишончли вакиллар билан учрашув манзиллари юзасидан ҳам мурожаатлар бўлмоқда, бу эса уларнинг мамлакатимизда кечаётган жараёнларга қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, сайловларнинг пировард мақсади эртанги кунимиз, келажакка бўлган муносабатимиз билан белгиланади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди**

# ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу хайрли жараёндан ҳеч бир фуқаро четда қолмаётганлиги мазкур учрашувларда алоҳида таъкидланмоқда. Миллий сайлов қонунчилигимиз принциплари, мамлакатимизда ўтказилаётган эркин сайлов ва умуман, мустақил юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган барча демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини фуқаролар, айниқса, ёшлар қалбига сингдиришнинг янгича, таъсирчан усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда профилактика инспекторлари малакаси ва касб маҳоратини янада ошириш, интилувчанлик, доимо одамлар орасида бўлиш, ёшлар қалбига йўл топа олиш, оила ва мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳар бир ходимнинг иш услубига айланишига алоҳида эътибор қаратилаётгани қўл келаётир.

Айтиш жоизки, янги йил байрами арафасида давлат сертификатини олмаган, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган ўйинчоқлардан фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли кучаяди. Афсуски, пиротехник воситаларни олиб келиш ва сотиш тақиқланганига қарамай, айрим тадбиркорларимиз ҳамон бу ишдан тийилмаётир. Ички ишлар идоралари пиротехника маҳсулотларининг мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилиши, сотилиши ва ишлатилишининг, оқибатда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қатор ташкилий-амалий чоралар кўрмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан яқинда ўтказилган ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида халқ таълими тизими раҳбарлари билан ҳамкорликда мазкур масалага бағишланган қатор семинарлар, учрашувлар ташкил этилди. Шунга қарамай, ҳар бир ота-она ўз фарзандларини тартибга чақириши, пиротехник воситаларни ўйнашдан тийилишини уқтириб туриши шарт. Зеро, ҳар бир давлатнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлиги шу мамлакатда яшайдиган аҳолининг қонунларга қанчалик риоя этишига, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қанчалик ҳурмат қилишига, Ватан, халқ олдидаги фидойилиги ва масъулиятига ҳам боғлиқ.

Шу йилнинг 23 декабрь куни бўладиган Президент сайлови, қолаверса, янги йил тадбирларини жойларда юқори савияда, муносиб ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган бир пайтда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш, турли нохуш ва фавқулодда ҳодисаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад — ушбу муҳим тадбирлар барча юртдошларимизнинг хонадонида, маҳаллаларда, шаҳарларимиз кўча ва майдонларида тинч-осойишта, катта қувончу шодиёналар билан ўтишини таъминлашдир.

Бу олижаноб мақсад наинки ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади.

**ЎзА мухбири**
**Беҳзод НОРБОЕВ**
**суҳбатлашди**

# КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МАМЛАКАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА. ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ШАҲРИМИЗ БЎЙИЧА КЎПЛАБ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАДИЛАР.**

**Равшан ШОКИРОВ,**
**Тошкент Туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:**

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганимдан бахтиёрман. Бу мен учун катта шараф. Биз, ёшлар ушбу муҳим тадбирда иштирок этиб, Ватанимиз тараққиёти ва равнақи, юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун муносабатимизни билдирамиз. Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, билим олиш, касб-ҳунар эгаллашимиз учун яратилаётган барча имкониятлардан қалбимиз фахрга тўлмоқда. Ушбу ғамхўрликларга жавобан ўз билим ва истеъдодимиз билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур деб ўйлайман.

**Азиза МУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси:**

— Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, ғамхўрликлардан ниҳоятда мамнунман. Қувонарлиси кириб келаётган янги 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу нафақат мен, балки бутун мамлакатимиз ёшларини чексиз қувонтирди. Бу албатта келгусида ёшларга яна ҳам эътибор ва ғамхўрлик ортади дегани.

Мен ҳам мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаросиман. Мана биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш бахтига муяссар бўлмоқдаман. Бундан жуда хурсандман.

